

УДК: 619.5:616.054

ORCID: 0009-0000-7207-4197

## РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АЙРИМ ВИЛОЯТЛАРИДА ТОВУҚЛАР ОРАСИДА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

**Акромов Комилжон Шухрат ўғли**

таянч докторант

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

**Ахмадов Аброр Илҳом ўғли**

магистр

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар  
университети

E-mail: [komiljonshuhratovich@mail.ru](mailto:komiljonshuhratovich@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Навоий, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг айрим туманларида товуқларнинг гельминтозлари ҳамда уларнинг тарқалиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу вилоятларда тадқиқотларимизни олиб боришимизнинг яна бир жиҳати шуки ушбу вилоятларда товуқлар орасида узок йиллардан буён гелминтологик тадқиқотлар олиб борилмаган ва бу вилоятлардаги товуқлар гелминтофаунаси ўрганилмаган.

**Калит сўзлар:** айрим вилоятлар, тоғ-тоғолди, аскаридиоз, гетеракидоз, капиллариоз, кетма-кет ювиш, Фюллеборн, гельминтоовоскопия, гельминтоларвоскопия, седиментация, флотация.

## РАСПРОСТРАНЕНИЕ ГЕЛЬМИНТОЗОВ СРЕДИ КУР В НЕКОТОРЫХ РАЙОНАХ НАШЕЙ РЕСПУБЛИКИ

\*Акромов Комилжон Шухрат ўгли, докторант

\*\*Ахмадов Аброр Илҳом ўгли, магистр

\*Научно-исследовательский институт ветеринарии

Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины,  
животноводства и биотехнологии

(E-mail: [komiljonshuhratovich@mail.ru](mailto:komiljonshuhratovich@mail.ru))

## АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены сведения о гельминтозах кур и их распространении в некоторых районах Навоийской, Бухарской, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей. Еще одним аспектом наших исследований в этих регионах является то, что гельминтологические исследования среди кур в этих регионах не проводились уже много лет, а гельминтофауна кур в этих регионах не изучалась.

**Ключевые слова:** отдельные районы, высокогорье, аскаридоз, гетерокидоз, капилляриоз, серийные промывки, Фюллеборн, гельминтоовоскопия, гельминтоляроскопия, седиментация, флотация.

## PREVALENCE OF HELMINTHIASIS AMONG POULTRY IN SOME REGIONS OF OUR REPUBLIC

\*Akramov Komiljon Shuhrat o'g'li

\*\*Axmadov Abror Ilhom o'g'li

\*Doctoral student of the Veterinary Scientific-Research Institute

\*\*Samarkand state university of veterinary medicine, livestock and biotechnologies

(E-mail: [komiljonshuhratovich@mail.ru](mailto:komiljonshuhratovich@mail.ru))

## ABSTRACT

This article presents information about helminthiases of chickens and their distribution in some areas of Navoi, Bukhara, Surkhandarya and Kashkadarya regions. Another aspect of our research in these regions is that helminthological studies among chickens in these regions have not been carried out for many years, and the helminth fauna of chickens in these regions has not been studied.

**Key words:** certain areas, high mountains, ascariasis, heterokidosis, capillariasis, serial washings, Fülleborn, helmintho-ovoscopy, helmintholaroscopy, sedimentation, flotation.

## Мавзунинг долзарблиги

Марказий Осиёнинг, хусусан Республикамининг ўзига хос географик-иклим хусусиятлари – баҳор ва куз ойларининг бирмунча илиқ ва намгарчилик етарли бўлиши, қиш мавсумининг эса ўта совуқ бўлмаслиги, қиш ойларида вақти-вақти билан илиқ кунлар кузатилиши бирқанча гельминтозларнинг тарқалиши ва ривожланишига шароит яратади.

Республикамизда чорва ҳайвонлари ва паррандалар орасида гельминтозларнинг бирмунча кенг тарқалганлигини инобатга олган ҳолда уларга қарши юқори самарали бўлган, арзон ва қулай даволаш-профилактика чоратадбирларини ишлаб чиқиш ветеринария соҳаси мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда паррандаларнинг 30 дан ортиқ гельминтозлари фанга маълум бўлиб, улардан мамлакатимизда кенг тарқалган, паррандачилик соҳасига сезиларли даражада иқтисодий зарар келтирадиган турларини иқлим минтақалари бўйича тарқалишини аниқлаш ҳам долзарб бўлиб, ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

#### **Тадқиқотнинг мақсади**

Республикамизнинг Навоий, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари паррандачилик хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида боқилаётган товуқлар орасида кенг тарқалган гельминтозларни аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқот объекти ва усуллари**

Биз ўз тадқиқотларимизни Навоий вилоятининг Навбаҳор ва Қизилтепа, Бухоро вилоятининг Бухоро, Шофиркон, Гиждувон ҳамда Пешку, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Ангор, Шеробод ва Термиз, Қашқадарё вилоятининг Термиз туманларида аҳоли хонадонлари шунингдек паррандачилик хўжаликларида боқилаётган тухум йўналишидаги товуқларда олиб борилди. Товуқлардан олинган фекалий намуналари гельминтоовоскопик (Фюллеборн, кетма-кет ювиш) усулларида текширилди.

#### **Тадқиқот натижалари**

Навоий, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида товуқлар орасида асосий гельминтозларни аниқлаш бўйича 2022 йилнинг октябр-ноябр ойларида Навоий ва Бухоро вилоятларида 168 бош, 2023 йилнинг феврал-апрел ойларида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса 183 бош товуқлардан олинган фекалий намуналари гельминтоовоскопиянинг Фюллеборн ва кетма-кет ювиш усулларида текширилди. Текширишлар натижаларига кўра вилоятларда товуқларнинг гельминтозлари бўйича эпизоотологик ҳолат бирмунча қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлди.

**1-жадвал**

**Навоий вилоятида товуқларнинг гельминтозлар билан экстенсзарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида (n=76)**

Т/р	Худудлар номи	Умумий бош сони	Гельминтозлар										
			аскаридиоз		гетеракидоз		капилляриоз		гельминтозлар билан умумий зарарланиш		эймериоз		
			n=	%	n=	%	n=	%	n=	%	n=	%	
1	Навбахор тумани	34	4	11,8	-	-	3	8,8	6	17,6	-	-	
2	Қизилтепа тумани	42	16	38,1	25	59,5	-	-	27	64,3	15	35,7	
<b>ЖАМИ</b>			<b>76</b>	<b>20</b>	<b>26,3</b>	<b>25</b>	<b>32,9</b>	<b>3</b>	<b>3,9</b>	<b>33</b>	<b>43,4</b>	<b>15</b>	<b>19,7</b>

Навоий вилоятида жами текширилган 76 бош товуқларнинг 33 боши яъни 43,4 % гельминтозлар билан умумий зарарланганлиги аниқланди.

Юқоридаги тадқиқотларимиз натижаларига кўра вилоятда товуқларнинг гетеракидоз билан экстенсзарарланиши бошқа гельминтозларга қараганда юқори эканлиги маълум бўлди.

**2-жадвал**

**Бухоро вилоятида товуқларнинг гельминтозлар билан экстенсзарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида (n=92)**

Т/р	Худудлар номи	Умумий бош сони	Гельминтозлар										
			аскаридиоз		гетеракидоз		капилляриоз		гельминтозлар билан умумий зарарланиш		эймериоз		
			n=	%	n=	%	n=	%	n=	%	n=	%	
1	Бухоро тумани	20	3	15,0	2	10,0	-	-	5	25,0	-	-	
2	Шофиркон тумани	22	13	59,1	14	63,6	9	40,1	18	81,8	-	-	
3	Ғиждувон тумани	20	5	25,0	5	25,0	7	35,0	11	55,0	-	-	
4	Пешко тумани	30	4	13,3	10	33,3	-	-	12	40,0	5	16,7	
<b>ЖАМИ</b>			<b>92</b>	<b>25</b>	<b>27,2</b>	<b>31</b>	<b>33,7</b>	<b>16</b>	<b>17,4</b>	<b>46</b>	<b>50,0</b>	<b>5</b>	<b>5,4</b>

Бухоро вилоятининг Бухоро, Шофиркон, Ғиждувон ҳамда Пешко туманларида олиб борилган тадқиқотларимизда жами 92 бош товуқларнинг 46 боши (50,0 %) гельминтозлар билан экстенс зарарланганлиги аниқланди. Текширилган товуқлардан 25 боши (27,2 %) аскаридиоз, 31 боши (33,7 %) гетеракидоз, 16 боши (17,4 %) капиллариоз кўзгатувчилари билан зарарланганлиги маълум бўлди.

Тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлдики Бухоро ва Пешку туманларида капиллариоз билан зарарланиш кузатилмади.

Навбатдаги тадқиқотларимизни давом эттириб 2023 йилнинг феврал-апрал ойларида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг айрим туманларида товуқлар орасида гельминтозларни тарқалишини аниқлаш бўйича экспедициялар ташкил этилди ва копрологик текширишлар ўтказилди.

### 3-жадвал

**Сурхондарё вилоятида товуқларнинг гельминтозлар билан экстенсзарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида (n=135)**

Т/р	Худудлар номи	Умумий бош сони	Гельминтозлар									
			аскаридиоз		гетеракидоз		капиллариоз		гельминтозлар билан умумий зарарланиш		эймериоз	
			n=	%	n=	%	n=	%	n=	%	n=	%
1	Жарқўрғон тумани	40	4	10,0	3	7,5	-	-	6	15,0	40	100
2	Ангор тумани	35	8	22,8	17	48,6	24	68,6	33	94,3	15	42,8
3	Шеробод тумани	17	3	17,6	4	23,5	10	58,8	11	64,7	6	35,3
4	Термиз тумани	43	19	44,2	24	55,8	8	18,6	29	67,4	-	-
<b>ЖАМИ</b>		<b>135</b>	<b>34</b>	<b>25,2</b>	<b>48</b>	<b>35,6</b>	<b>42</b>	<b>31,1</b>	<b>79</b>	<b>58,5</b>	<b>61</b>	<b>45,2</b>

Сурхондарё вилоятининг тадқиқотлар олиб борилган туманларида жами 135 бош товуқлар текширилган бўлиб уларнинг 79 боши яъни 58,5 фоизи гельминтозлар билан умумий зарарланганлиги аниқланди. Ушбу вилоятда капиллариоз билан зарарланишнинг бирмунча юқори (31,1 %) эканлигини кўришимиз мумкин.

### 4-жадвал

**Қашқадарё вилояти Китоб туманида товуқларнинг гельминтозлар билан экстенсзарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида (n=48)**


Т/р	Гельминтозлар	n=	%	Гельминтозлар билан умумий зарарланиш
<b>Умумий бош сони – 48 бош</b>				
1	Аскаридиоз	23	47,9	36 (75,0 %)
2	Гетеракидоз	22	45,8	
3	Капилляриоз	14	29,2	

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жами 48 бош товуклардан намуналар олиниб гельминтоовоскопик текширувлар олиб борилди. Текширилган товукларнинг 36 боши (75,0 %) гельминтозлар билан умуман экстензарарланганлиги аниқланди. Товукларнинг 23 бошида (47,9 %) аскаридиоз, 22 бошида (45,8 %) гетеракидоз, 14 бошида яъни 29,2 фоизда капилляриоз кўзғатувчилари тухумлари аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижадаридан маълум бўлдики ушбу вилоятлар иқлими иссиқ ва қуруқ бўлишига қарамасдан товуклар орасида эймериоз билан ҳам зарарланиш аниқланди.

Мамлакатимизнинг тадқиқотларимиз олиб борилган вилоятларининг айрим туманларида жами 351 бош товукларнинг 194 боши яъни 55,3 фоизини умуман гельминтозлар билан зарарланганлигини кўришимиз мумкин.

### Республикамизнинг айрим вилоятларида товукларнинг гельминтозлар билан экстензарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида, n=351



## ХУЛОСА

Текширилган 351 бош товукларнинг 194 боши (55,3 %) умуман гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланди. Улар орасида гетеракидоз билан зарарланиш энг юқори даражада бўлиб 126 бош (35,89 %)да, ундан кейин эса 102 бош (29,05 %)да аскаридиоз, 75 бош (21,4 %)да капиллариоз билан зарарланиш аниқланди.

Тадқиқотлар давомида аниқланган гельминтозларни олдини олиш ва даволашга қаратилган замонавий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш шунингдек асосан маҳаллий антгельминт воситалар яратиш ва улардан кенг миқёсда фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Акрамов К.Ш., Джаббаров Ш.А. Республикамизнинг шарқий географик-иклим минтақаларида паррандалар (товуклар) гельминтозларининг тарқалиши // Ветеринария медицинаси журнали. №7. Тошкент, 2022. 16-18 б.
2. Джаббаров Ш.А. Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. //Док. диссертацияси. 2017. – Б. 98-122.
3. Иргашев И.Х. Гельминты и гельминтозы каракульских овец. Ташкент, 1971. 283 с.
4. Никольский Я.Д. Методы качественного и количественного анализа для прижизненной диагностики гельминтозов мелкого рогатого скота. //Тр. УзНИВИ, т.14, 1961. –С. 153-159.
5. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. // Ўқув қўлланма.Тошкент, 2016. 198-201 б.
6. Орипов А.О. Гельминтозларга қарши курашишнинг замонавий стратегияси, услуб ва воситалари. // Ветеринария медицинаси журнали. №11. Тошкент, 2021. 17-19 б.
7. Орипов А.О., Джаббаров Ш.А., Йўлдошев Н.Э. ва бошқалар Чорва молларининг асосий гельминтозлари ва уларнинг турли вилоятларда тарқалиши // Ветеринария медицинаси журнали. №7. Тошкент, 2022. 13-16 б.
8. Орипов А.О., Фафуров А.Ғ., Юлдашов Н.Е., Джаббаров Ш.А., Кайпанов М.Т. Қорақалпоғистон Республикаси чорва молларининг гелминтозлари ва прапилазмидозларига қарши даволаш профилактика чора-тадбирлари. //Зооветеринария журнали. №10. Тошкент, 2016. -Б19-23
9. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Е., Джаббаров Ш.А., Гелминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича тавсиялар// Тошкент-2015. 8-9. б.

10. Тайлоқов Т.И. Ўзбекистон шароитида эчкиларнинг гельминтлари ва гельминтозлари. Докторлик (DSc) дисс. автореф. 2023, Самарқанд.
11. Akramov K.Sh. Main Chelminthosis of Chickens and Their Fight against Them. Spanish Journal of "INNOVATION AND INTEGRITY". Volume: 05, 2022. pp. 382-384.
12. Akramov K.Sh. Poultry (chickens) in uzbekistan's south - western regions: helminths and helminthioses.// Международной научно-практической конференции 15-16 мартъ. Алматы, 2023. – С. 445-449
13. Oripov A.O., Jabbarov Sh.A., Safarov X. Main helmintiasis of farm animals and their spreading rate. The American Journal of veterinary and Discovery (JSSN-2689-0968), volume 04.issu of Pages 1-8.
14. Oripov A.O., Yuldashev N.E. Modern strategi, new methods and means for control of helminthas in Uzbekistan. Украинськ. часоплс ветеринарних наук, №3. том 12.

## GO'RI AMIR MAQBARASI

**Mirzayev Ikromjon**  
Qarshi davlat unversteti

### ANNOTATSIYA

Ushbu moqolada mamlakatimiz hududida Sohibqiron Amir Temur va Temuriylar davrida bunyod etilgan me'morchilik obidalarining o'sha davr va bugungi kundagi ahamiyati haqida so'z yuritilgan. Shuningdek bu madrasani bunyod etishda foydalanilgan naqqoshlari haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Amir Temur, Muhammad Sulton, Shayx Sayyid Baraka, Shohrux Mirzo, Mirzo Ulug'bek, Abu Toxirxoning "Samara" asari, Temuriylar davlati, Samarqand, me'morchilik, naqqoshlik, arxitektura.

O'zbekiston mustaqilligini har tomonlama mustahkamlash uning umumbashariyat tan olgan ma'naviyatini tiklash va yangi davr talablari asosida yuksak darajaga ko'tarishni talab qiladi. Bu esa mustaqil O'zbekiston tarixining barcha davrlarini chuqur o'rganish, tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarishni taqozo etadi. Bu borada muhtaram prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev shunday degan edi: "Agar jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir. Biz yangi O'zbekistonni barpo etishga qaror qilgan ekanmiz, ikkita mustahkam ustunga tayanamiz. Birinchisi – bozor tamoyillariga asoslangan kuchli iqtisodiyot. Ikkinchisi – ajdodlarimizning boy merosi va milliy qadriyatlarga asoslangan kuchli ma'naviyat"<sup>1</sup>.

Vatanimiz tarixining ana shunday davrlaridan biri – jahon tarixida munosib iz qoldirgan Amir Temur va Temuriylar davridir. Amir Temurning Samarqandagi bunyod etirgan obidalaridan biri temuriylar sulolasining hilxonasi sifatida dovrug'i olamaga ketgan Go'ri Amir maqbarasidir. U Samarqandning Toshqo'rg'on mavzesida joylashgan. Bu yerda 1399-1400-yillarda Sohibquroning nabirasi vali axdi shaxzoda Muhammad Sulton nomidan madrasa va xonaqoh qurilgan. 1403-yil yosh shaxzoda Muhammad Sulton xarbiy safarda kasallanib vafot etgach, Sultoniya ko'milgan. Bir yildan so'ng uning jasadini Samarqandga olib kelib, vaqtincha madrasa xonxaqoxning gumbazi ostiga dafn qilingan. 1404-yilning kuzida Amir Temur g'arb safaridan qaytgach Muhammad Sulton uchun ushbu majmuoning janub qismidagi ayvonga tutash qilib sag'anali, aloxida tantanavor, serxasham bir maqbara qurishga farmoiysh bergan<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Oliy majlisga qo'shma bayonotida yo'lagan bayoatidan. Sh.M.Mirziyoyev. 2018 yil.

<sup>2</sup> Temuriylar davrida turkiston ziyoratgoxlari. Bo'riyev O, Xo'jayev A, Qarshi 2022-yil 44-bet.

Usha yili 1404-yili Muhammad sulton madrasasi va xonaqohini birlashturuvchi xovlidagi janubiy ayvon oldida Temur buyrug‘ga ko‘ra katta maqbar Go‘ri Amir qurildi, (bu yerda birinchi bo‘lib musulmon dining ko‘zga ko‘ringan vakili Mir Sayyid Baraka dafin etilgan) keyinchalik bino Temuriylarning oilaviy daxmasiga aylangan, bu yerga Temurning o‘zi ham dafin etilgan. Unga Temurning o‘g‘illari- Umarshayx, Mironshoh, Shoxruh, nevaralari Mirzo Ulug‘bek va Muhammad Sulton hamda ikki kichik yoshdagi chevaralarining jasadlari ham qo‘yilgan<sup>1</sup>.

Temuriylar avlodi XV asrda Go‘ri Amirga tutash bo‘lgan binoga hamda madrasaning janubi-g‘arbiy tomonidagi darsxonaga dafn etilgan. 1405-yil fevralda Temurbekning o‘zi ham Xitoy yurishi vaqtida vafot etgach u nevarasini yoniga dafin qilingan va maqbara Go‘ri Amir maqbarasini nomini olgan va shundan so‘ng ushbu obida temuriylar sulolasining xilxonasiga aylanadi. Unda Amir Temur va Muhammad Sulton sag‘analaridan tashqari sohibquroning ikki o‘g‘li Shohuh va Mironshox mirzolar nabirasi Mirzo Ulug‘bek Temurbekning piri Shayx Sayyid Baraka va maqbaraning qibla tarafidagi supa ustida Mir Sayyid Umarning sag‘analari ham joylashgan. U kishi tasavvuf ahlining ulug‘ namayondalaridan biri bo‘lib temuriylarga pir sanaladi<sup>2</sup>.

Go‘ri Amir maqbarasi arxetekturasi dastlabki madrasa xonaqoh koplekisidan umumit tasviriy qurilishi jihatidan farq qiladi. Madrasa-xonaqada mutonosiblik va bezakning nozikligi ustin turadi. Maqbara esa kuchli arxitektura shakllarining soddaligi naqish motivlarining uyg‘unligi bilan ajralib turadi. Temur vafotidan so‘ng Mir Sayyid Baraka qabridan bir oz pastroqda marmar toshga o‘yib naqish solingan mozorlar paydo bo‘ldi, ularga Temuriylar avlodi dafin etilgan<sup>3</sup>.

Boburning takidlashicha dastlab Temurning nabirasi Muhammad Sulton Mirzo Samarqand qalasi janubida Toshqurg‘on- chaqarda madrasa qurdirgan. Muhammad Sulton halok bo‘lgach (1403-yil) Amir Temur uning xotirasiga maqbara qurish haqida farmon berdi. Bizgacha, asosan peshtoqli darvozasi bor hovli va maqbara binosi saqlangan. Arxeyologik tadqiqotlar natijasida maqbara hovlisining ikki yonida Muhammad Sulton qurdirga madrasa va honaqox chorsi hovlisining sharqiy va g‘arbiy tomonlarini egalangan. Hovlining janubida gumbazli maqbara joylashgan. Maqbara janubdan Ulug‘bek qurdirgan dalon (1424) orqali kiriladi. Maqbaraning chortoq tarhli ziyoratxonasi baland toqi-ravoqli, tapasi yozuv hoshiyalari va ichki gumbaz bilan qoplangan. Tashqi gumbazi 64 qobirg‘ali, baland poygumbaz (diametri – 15 metr balandligi 12,5 m) ga o‘rnatilgan<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Samarqand tarixi. Birinchi tom. Aminov M. U. Rashidov G‘. R. Toshkent 1971-yil 247-bet

<sup>2</sup> Temuriylar davrida turkiston ziyoratgohlari. Bo‘riyev O. Xo‘jaiyev A. Qarshi 2022-yil 45-bet

<sup>3</sup> [www.ilimlar.uz](http://www.ilimlar.uz) saytidan.

<sup>4</sup> [www.meros.uz](http://www.meros.uz) saytidan.

Xulosa o'rnida aytishimiz mumkinki, Amir Temur davlatchiligining markazida xalq va davlat manfaati, inson omili turgani bois, bu davrda shakllangan siyosiy udum va an'analarning ijobiy jihatlaridan bugungi kunda ham keng foydalanish xalqning farovon turmushini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada A.Temur shunday degan edi: Agar bizning kuch-qudratimizga shubha qilmoqchi bo'lsang, biz qurdirgan imoratlarga boq. Biz Amir Temurning nafaqat harbiy sohada, balki ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda ham keng ko'lamli strategik islohotlar o'tkazganligiga asarlarni o'rganish jarayonida ishonch hosil qilish mumkin. U nafaqat hunarmandlar, balki olimlar, faylasuflar, din peshvolari va har qanday foyda keltiruvchi kasb egalarini qadrladi. Natijada bu davr tarixda Uyg'onish davri sifatida e'tirof etildi.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI: (REFERENCES)**

- 1.Oliy majlisga qo'shma bayonati yo'lagan murojati. SH.M.Mirziyoyev. 2018-yil dagi.
- 2.Samarqand tarixi 1-tom. Aminov.M.U. Rashidov.G'R. Toshkent 1971-yil.
- 3.Temuriylar davrida turkiston ziyoratgaohlari. Bo'riyev.O. Xo'jayev.A. Qarshi 2022-yil.
- 4.[www.ilmlar.uz](http://www.ilmlar.uz).
- 5.[www.meros.uz](http://www.meros.uz).